

IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

IJORCES

**International journal of conference series on education
and social sciences. (Online)**

September 2024

Science Editor: **Cetin Avcı**
(*Kadir Has University*)

Copyright © 2024

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at ijorces.org

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munevver Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN
Electronic Journals

Universal
Impact Factor



ЭКСПРЕССИВ АЛАЛИЯЛИ БОЛАЛАРДА ДАСТЛАБКИ НУТКИЙ КУНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Абдуллаева.С.Н.,
ТДПУ Докторанти

Аннотация: Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида коррекцион ёрдамга муҳтож болалар сони ошиб бориши кўзга ташланмоқда. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ҳозирги кунда турли даражадаги нутқ бузилишлари биринчи синфга қабул қилинган болаларнинг ўртача 30%ида кузатилади, яъни объектив тарзда кўриб чиқилганда мактабгача давр мобайнида болалар популяциясиинг учдан бир қисмида нутқий функциялар меъёр даражасида ривожланмайди ва мутахассислардан кўшимча коррекцион таъсирини талаб этади. Аксинча, нутқнинг фонетик-фонематик камчиликлар (товушлар талаффузидаги бузилишлар) болаларнинг умумий популяциясини 15-25%ида намоён бўлиши белгиланмоқда. АҚШ соғлиқ статистикаси Миллий маркази маълумотларига кўра мактабгача ёшдаги болаларда товушлар тараффузи бузилишлари (артикуляцион ёки фонологик бузилишлар) 8-9%ни ташкил этади. Биринчи синфга қабул қилинаётган болаларнинг 5% да яққол намоён бўлувчи товуш талаффузи бузилишлари, дудуқланиш, дизартрия каби нутқий камчиликлар кузатилад.

Калит сўзлар: Мактабгача таълим, дефектолог, индивидуал ёндашув, коррекцион иш, экспрессив алалияти болалар, нутқ бузилишлари, логопедик ёрдам, фонетик-фонематик камчиликлар

Мавзунинг долзарблиги. Болаларни ҳар томонлама ва тўлақонли ривожланишининг муҳим шартларидан бири - чиройли, тўғри нутқдир. Бола нутқининг ривожланганлик даражаси унинг ақлий ва жисмоний ривожланиши фаоллиги, атроф - оламни онгли билиш кўлами, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олиш малакаларини шаклланиши ва такомиллашиши суръатини белгилаб беради. Кейинги йилларда коррекцион ёрдамга муҳтож болалар сони ошиб бориши кўзга ташланмоқда. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ҳозирги кунда турли даражадаги нутқ бузилишлари биринчи синфга қабул қилинган болаларнинг ўртача 30%ида кузатилади, яъни объектив тарзда кўриб чиқилганда мактабгача давр мобайнида болалар популяциясиинг учдан бир қисмида нутқий функциялар меъёр даражасида ривожланмайди ва мутахассислардан кўшимча коррекцион таъсирини талаб этади. Shriberg LD, Tomblin JB, McSweeney JL ларнинг тадқиқотларда мактабгача ёшдаги болалар орасида нутқий нуқсонларини тарқалганлиги даражаси 5-10%дан 20%гача ва ундан юқори дея белгиланган. Шу билан бирга, оғир ва турғун нутқ бузилишлари болаларда кузатилувчи нутқ бузилишларининг 0,1%дан камроғини ташкил этади. Аксинча, нутқнинг фонетик-фонематик камчиликлар (товушлар талаффузидаги бузилишлар) болаларнинг умумий популяциясини 15-25%ида намоён бўлиши белгиланмоқда. АҚШ соғлиқ статистикаси Миллий маркази маълумотларига кўра мактабгача ёшдаги болаларда товушлар тараффузи бузилишлари (артикуляцион ёки фонологик бузилишлар) 8-9%ни ташкил этади. Биринчи синфга қабул қилинаётган болаларнинг 5% да яққол намоён бўлувчи товуш талаффузи бузилишлари, дудуқланиш, дизартрия каби нутқий камчиликлар кузатилади. Австралияда Sharynne McLeod, Linda J. Harrison томонидан 5 ёшлик болаларда нутқ камчиликларини тарқалишини аниқлаш мақсадида ўтказилган

кенг қамровли тадқиқоти асосида текширилган болаларда арини кўплиги (25,2% да) ҳамда бу логопедик ишга бўлган талабни катталиги каби муаммоларнинг долзарблигини белгилаб бермоқда. Россияда Н.В.Новоторцева ўтказган тадқиқот натижалари 5 ёшли мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларнинг 59% мактаб таълими учун етарли нутқий тайёргарликга эга эмасликларини белгилайди. Республикамизда ҳам таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиб, болаларга махсус логопедик ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мазкур йўналишнинг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикасида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиши, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасининг мустақамланиши, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, "Илк қадам" давлат ўқув дастури ишлаб чиқилиши, шунингдек, 3-6 ёшли қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Зумрадойлар давраси" тўғараклари, замонавий таълим дастурлари жорий қилиниши мактабгача тарбия тизимини ислоҳ этишга қаратилган муҳим қадамлардир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш" каби вазифалар белгиланиб, бугунги кунда кичик ва катта мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантириш, шунингдек, таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтишини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сонли "Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишига қаратилган талаблар тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди. Республикамизда нутқ бузилишларининг турли жиҳатлари (биллингвизм, меҳнат тарбияси, фаол нутқ, фонетик-фонематик ва ёзма нутқ камчиликлари) бўйича Л.Мўминова, Х.Пўлатова, М.Аюпова, Е.Бабаева, В.Веретенникова, Н.Рахмонкулова, З.Ахмедова, Ш.Д.Арипова; жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар нутқий муаммоларининг айрим жиҳатлари Д.Назарова, В.Рахмонова, Р.Рустамова, Н.Соседова, У.Файзиева, М.Хамидова, Р.Шомахмудова, Ф.Қодирова, Н.З.Абидова ларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг натижаларини аҳамиятини эътироф этган ҳолда, умумтаълим мактабгача таълим муассасаларида коррекцион-логопедик хизматни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бир қатор саволлар етарлича ўрганилмагани таъкидлаш жоиз. Шу билан боғлиқ ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга махсус логопедик ёрдам кўрсатиш муаммосининг долзарблиги ҳам тобора ошиб бормоқда. Умумтаълим мактабгача таълим муассасаларида коррекцион ишни амалга ошириш мақсадида дефектолог штат бирлиги киритилган бўлиб, у ривожланишида енгил нуқсонлари бўлган болалар



коррекциясида индивидуаллашган ва тизимли ёндашувни таъминлайди. Мактабгача таълим муассасасидаги дефектолог кабинети - таълимдаги коррекцион хизматнинг бир босқичи саналиб, у коррекцион ёрдамни ташкил этишнинг энг "ёш" шаклидир. У ривожланишида энгил нуқсонларга эга болалар ривожланиши, таълими, тарбияси, мослашуви муаммолари юзасидан бола, ота-она ва тарбиячиларга ўз вақтида малакали тавсиявий-методик, диагностик, коррекцион ёрдамни амалга оширишга мўлжалланган. Мактабгача таълим муассасасида фаолият юритувчи дефектолог Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июльдаги "Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" ги 528-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача Таълим Вазирининг 2018 йил 15 августдаги "Давлат мактабгача таълим муассасаларининг иш хужжатлари тўғрисида"ги 183-сонли буйруғига таянади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги "Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 528-сон Қарорида таъкидланишича, "Давлат мактабгача таълим муассасаларида нутқи, эшитиши ва кўришида энгил нуқсонлар бўлган болаларга хизмат кўрсатиш учун дефектолог штат бирлиги жорий этилади". Шу билан бирга, умумтаълим типидagi мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб борувчи дефектолог-логопедлар иш жараёни хусусиятларини ёритувчи, коррекцион-педагогик жараёни ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатнинг мавжуд эмаслиги коррекцион жараёни ташкил этишда катта қийинчиликларни юзага келтиради. Мактабгача таълим муассасасидаги логопунктда коррекцион ёрдамни ташкил этиш ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларидагига нисбатан бир қатор фарқларга эга: иш шакллари орасида индивидуал ёндашувни устунлиги, коррекцион-логопедик ёрдамни қўшимча таълимий хизматга киритилиши ва х.з.Методик адабиётларда ҳам мактабгача таълим муассасасидаги логопунктда ишни ташкил этишга доир махсус дастурлар мавжуд эмас. Мазкур сабаблар ривожланишида экспрессив алалияли бўлган болаларга асосий таълимий дастурни ўзлаштириши, ўз вақтида, яъни мактабга чиқишдан аввал мактабда таълим олишга тўсқинлик қилувчи мавжуд нуқсонларни бартараф этиши, уни умумтаълим мактаби ва атроф оламда самарали ижтимоийлашувини таъминловчи, мактабгача таълим муассасасидаги логопункт шароитига мослаштирилган иш тизимини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради. Шу билан биргаликда тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги ва аҳамиятлилиги мактабгача таълим тизимининг ҳозирги кундаги эҳтиёжлари ҳамда кўйидаги ҳолатлар орасидаги зиддиятлар билан белгиланади:

Умумтаълим мактабгача таълим муассасаси шароитида кўп сонли тарбияланувчиларни тезкор ва шу билан бир қаторда комплекс текшириш зарурияти ҳамда бунинг учун мўлжалланган оптимал ташҳислаш методикасининг мавжуд эмаслиги;

Нутқ камчиликларига эга болалар сонини ошиши ҳамда умумтаълим мактабгача таълим муассасаси шароитида коррекцион-логопедик ёрдамга мухтож болаларни ҳаммасига ўз вақтида ёрдам кўрсатиш имконини йўқлиги; Кичик мактабгача ёшдаги болалар орасида "хавф гуруҳи"гакирувчи, яъни нутқ нуқсонини юзага келиш замини мавжуд болалар сонини ошиши ҳамда умумтаълим мактабгача таълим шароитида мослаштирилган эрта коррекцион-профилактик таъсир механизминини ишлаб чиқилмаганлиги; Коррекцион-педагогик жараёнда ота-оналар иштирокининг зарурати ҳамда мазкур йўналиш бўйича муассаса ва ота-оналарнинг самарали ҳамкорлик технологияларининг мавжуд эмаслиги. Мазкур зиддиятларни ҳал этиш зарурати "Мактабгача таълим муассасаларида нутқ

нуқсонига эга болалар билан олиб борилдиган коррекцион -логопедик технологиялар" мавзусини танлашга асос бўлди.

Тадқиқот объекти: экспрессив алалияли болаларнинг дастлабки нуткий куникмалари

Тадқиқот предмети: экспрессив алалияли болаларда дастлабки нуткий куникмаларни шакллантириш жараёни

Тадқиқотнинг мақсади экспрессив алалияли болаларда дастлабки нуткий куникмаларни шакллантириш билан олиб бориладиган коррекцион -логопедик технологияларини такомиллаштириш ва бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот фарази: Биз умумтаълим мактабгача таълим муассасаларида комплекс коррекцион-логопедик ёрдамга мухтож нутқ нуқсонига эга болалар сони кўп дея тахмин қилдик. Шу ўринда коррекцион-логопедик иш жараёни:

Умумтаълим мактабгача таълим муассасаси шароитига мослаштирилган болалардаги нутқ нуқсонларини экспресс текшириш-саралаш методикаси яратилса; Умумтаълим мактабгача таълим муассасаси шароитларига мос равишда дефектологнинг иш вазифалари ва мажбуриятлари қайтадан кўриб чиқилса ва такомиллаштирилса;

"Хавф гуруҳи"га кирувчи кичик мактабгача ёшдаги болалар билан мослаштирилган эрта коррекцион-профилактик таъсир механизмини ишлаб чиқилса;

муассаса ва ота-оналарнинг самарали ҳамкорлик технологиялар мукамаллаштирилса мактабгача таълим муассасаларида коррекцион-логопедик хизмат сифати оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Аюпова М.Ҳ. Logopediya: darslik/ М.Ҳ. Аюпова; O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. - T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jam'iyati nashriyoti, 2007. -560 b.

2. ВЬГОТСКИЙ Л. С. Собрание сочинений: В 6-ти т. Т. 2. Проблемы общей психологии / Под ред. В. В. Давыдова. - М.: Педагогика, 1982. - 504 с, ил. - (Акад. пед. наук СССР).

3. Бадалян Л.О. Детская неврология : учеб. пособие / Л.О.Бадалян. - 4-е изд. - М. : МЕДпрессинформ, 2016. - 608 с. : ил. ISBN 978-5-00030-012-1

4. Богданова Т.Г., Корнилова Т.В. Диагностика познавательной сферы ребенка. - М., 1999.- 39с.

5. Жукова Н.С., Мастюкова Е.М. Если Ваш ребенок отстает в развитии. - М.: Медицина, 1993. 11б.

6. Миронова С.А. Развитие речидошкольников на логопедических занятиях. - М.: Просвещение, 1991. 208 б.